

Висол ворида



18:02 / 25.02.2018 3010

У Зот сени вужудинг қамоғидан шухудинг фазосига чиқариш учун сенга воридни эриштирди.

Ушбу ҳикматда Ибн Атоуллоҳ Сакандарий раҳматуллоҳи алайҳи учинчи – юқори босқичдаги ворид ҳақида сўз юритмоқда.

Баъзи машойихлар бу воридни «висол» – «етишиш ворида» деб номлайдилар ва уни қуйидагича таърифлайдилар: «У бир нур бўлиб, аввал банданинг қалбини эгаллаб олади. Сўнгра сиртини ҳам, ичини ҳам эгаллаб олади. Бас, уни нафсининг қамоғидан чиқаради ва ҳиссининг шухуди – шоҳиди бўлишдан ғойиб қилади».

Ҳақиқатда ҳам атрофига назар солмай, ўзи билан ўзи ўралашиб яшайдиган бўлса, ўзи яшаб турган оламга ибрат назари билан қарамаса, дунёга қаердан ва нима учун келганини билмаса, қаерга ва нимага боришига эътибор бермаса, тор қамоқда яшаётган бўлади. Уни жисми ва жисмоний талабларидан иборат тиканли симлар ўраб турган бўлади. Чунки у мазкур қамоққа оид нарсалардан бошқани кўрмайди, сезмайди. Албатта, бундай қамоқда яшаб ўтишнинг оқибати икки дунёда ҳам фақатгина ёмонлик билан тугайди. Аммо банда Аллоҳ таолонинг ёрдами ила ағёрларнинг муҳаббатидан қутулиб, асарларнинг қуллигидан озод бўлганидан кейин

Ҳақ таолодан бўлган ворид туртки бўлиб, ўз зотининг қамоғидан шухуднинг фазоси – бўшлиғига чиқса, олий мақсадга етган бўлади.

Бундай инсон ағёрлар – Аллоҳ таолодан бошқа нарсалар муҳаббатидан қутулган бўлади. Бундай банда асарлар – дунёдаги таъсир қилувчи нарсалар қуллигидан озод бўлган бўлади. Бундай киши ўзининг турли ҳис-туйғулари, рағбатлари, шаҳватлари, манманликлари ва бошқа нарсалар қамоғидан чиққан бўлади. Бундай одам Аллоҳ таолонинг шухуди фазосига чиққан бўлади ва машойихлар «ваҳдатуш шухуд» деб атаган мақомга эришган бўлади.

Аллоҳ таоло барчаларимизга мазкур уч турдаги воридлардан баҳраманд бўлишни насиб этсин!

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Хислатли ҳикматлар шарҳи китобидан)